



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

2019 йил “26” июнь

№ 572

Тошкент ш.

**Илмий-тадқиқот фаолиятига оид
низомларни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 февралдаги “2019 йилда вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари тўғрисида”ги 5445-сонли фармойишининг 1.2-иловасига мувофиқ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йилда фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2009 йил 28 августдаги 11-10-сон “Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бирлашмалари, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ҳамда ижро интизомининг аҳволи мониторингини олиб бориш Тартиби”га мувофиқ

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 февралдаги “2019 йилда вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари тўғрисида”ги 5445-сонли фармойишининг 1.2-иловасидаги вазифаларга мувофиқ ишлаб чиқилган “Докторантлар мактаби тўғрисидаги низом” 1-иловага, “Талабгорларнинг якка тартибдаги режаси бажарилишини ҳар чоракда мониторинг қилиш тартиби тўғрисида низом” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тасарруфдаги олий таълим муассасалари ректорлари ва илмий-тадқиқот муассасалари директорларига:

докторантура фаолиятини “Докторантлар мактаби тўғрисидаги низом”га мувофиқ йўлга қўйиш;

олий ўқув юртидан кейинги таълим институтлари фаолиятини “Талабгорларнинг якка тартибдаги режаси бажарилишини ҳар чоракда мониторинг қилиш тартиби тўғрисида низом” талабларига мувофиқ ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфига кирмаган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари учун ушбу буйруқ билан тасдиқланган низомлар тавсиявий характерга эга эканлиги таъкидлансин.

4. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазир ўринбосари У.Бегимкулов зиммасига юклансин.

Вазир

И.Маджидов



Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
2019 йил 26 июн даги 544-сон
буйруғига 1-ИЛОВА

Докторантлар мактаби тўғрисида низом

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Докторантлар мактаби тўғрисида низом (кейинги ўринларда Низом деб аталади) Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 февралдаги “2019 йилда вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари тўғрисида”ги 5445-сонли фармойишига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Низом олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида таҳсил олаётган докторантларни қўллаб-қувватлаш фаолиятига талабларни белгилайди.

3. Докторантлар мактаби фаолияти олий таълим муассасасининг ректори ёки илмий-тадқиқот институтининг директори буйруғлари ҳамда мазкур Низом талабларига мувофиқ тартибга солинади.

II. Докторантлар мактабининг мақсади ва вазифалари

4. Докторантлар мактабининг мақсади докторлик диссертациялари ўз вақтида ҳимоя қилиниши ва ҳимоя кўрсаткичларини оширилишини таъминлаш учун фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш бўйича илмий-тадқиқотларни ташкил этиш ва амалга оширишда докторантлар ва мустақил изланувчиларга услубий ва техникавий ёрдам кўрсатиш ҳисобланади.

5. Докторантлар мактабининг вазифалари қуйидагилар:

докторантлар ва мустақил изланувчиларга илмий-тадқиқот жараёнларни амалга ошириш услубиёти тўғрисида маълумотлар билан таъминлаш;

илмий-тадқиқотларнинг назарий-услубий дастурларини ишлаб чиқишга ёрдам кўрсатиш;

илмий-тадқиқот соҳасидаги норматив ҳужжатлар билан таништириш;

докторантлар ва мустақил изланувчиларнинг эҳтиёжини мунтазам ўрганиш ва хорижий тиллар бўйича курсларни ташкил этиш;

илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва расмийлаштириш тартибларини ўргатиш ва уларни амалга ошириш кўникмаларини шакллантириш;

таянч докторантлар, докторантлар ва мустақил изланувчиларнинг илмий конференцияларда иштирок этишини режалаштириш ва ташкиллаштириш;

таянч докторантлар, докторантлар ва мустақил изланувчиларни етакчи республика ва хорижий олий таълим муассасаларида илмий стажировкаларини режалаштириш ва ташкил этиш;

докторантлар ва мустақил илланувчиларга халқаро нуфузли нашрларда уларнинг илмий-тадқиқот натижаларини чоп этилишига марказлашган ҳолда амалга оширишга ёрдам кўрсатиш;

илмий-тадқиқот натижалари (диссертация, монография, илмий маърузалар ва ҳ.к)ни расмийлаштиришга услубий ёрдам кўрсатиш;

докторантларни иш жой, компьютер, интернетга боғланиш, керакли оргтехникалар ва зарурий материаллар билан таъминлаш;

халқаро илмий-техникавий маълумотлар базалари билан ишлаш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган семинарларни ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси ОАК норматив ҳужжатларига мувофиқ илмий-тадқиқот ишларини расмийлаштириш бўйича маслаҳатлар бериш;

докторантлар мактаби сайти ва электрон почталари яратиш орқали докторантлар, илмий раҳбар ва маслаҳатчилар ўртасида ахборотларнинг электрон алмашилишини ташкил этиш;

таянч докторантлар, докторантлар ва мустақил изланувчиларнинг илмий-тадқиқот фаолияти натижаларини баҳолаш, йиллик режа бажарилишини мониторинг қилиш, илмий-тадқиқот ишларни бажаришда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни ечимини топиш бўйича сўровномалар ўтказиш.

III. Докторантлар мактабининг бошқаруви

6. Докторантлар мактабининг фаолияти Кенгаш томонидан мувофиқлаштирилади.

7. Докторантлар мактабига олий таълим муассасасининг Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори ёки илмий-тадқиқот муассасасининг Илм-фан бўйича директори ўринбосари раҳбарлик қилади.

8. Докторантлар мактабининг ишларини ташкиллаштириш учун масъул Илмий-тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими ҳисобланади.

10. Докторантларда тегишли кўникмаларни (чет тилини билиши, компьютер технологиялар билан ишлаши, илмий натижаларни презентацияларни тайёрлаш ва ҳақозо) ривожлантириш учун олий таълим муассасасининг йўналиш бўйича кафедралар ва ташкилий тузилмалар масъулдир.

IV. Докторантлар мактабининг функциялари

11. Докторантлар мактабининг функциялари қуйидагилар:

олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасида фаолият олиб бораётган илмий даражали профессор-ўқитувчиларнинг рўйхатини шакллантиради;

докторант ва изланувчиларнинг илмий фаолияти самарадорлиги мониторингини олиб боради;

олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг веб сайтида докторантура фаолиятига тааллуқли маълумотлардан иборат бўлган веб саҳифани яратади ва доимий равишда саҳифа маълумотларини янгилаб боради;

докторантлар ва изланувчиларни хорижнинг етакчи университетлари ва илмий-тадқиқот марказларига стажировкага жўнатиш режасини ишлаб чиқади;

докторантурани тугатган ва диссертация ҳимоя қилганларни иш билан таъминланганлиги тўғрисидаги маълумотларни шакллантиради;

докторантлар мактаби фаолияти тўғрисидаги статистикани доимий равишда камида икки ойда бир маротаба Кенгашга муҳокама учун тақдим этади;

семинар, маслаҳат ва курсларни ўтказиш режасини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

илмий мақолалар ёзиш ва уларни чоп этишга тақдим этиш бўйича семинар-тренингларни ўтказади.



Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
2019 йил “26” июн даги 572-сон
буйруғига 2-ИЛОВА

Талабгорларнинг якка тартибдаги режаси бажарилишини ҳар чорақда мониторинг қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги №ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 31 майдаги 239/3-сон “Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисида”ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 31 майдаги 239/4-сон “Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисида”ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 ноябрдаги 937-сон “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ докторант ва мустақил изланувчилар (кейинги ўринларда Изланувчи деб аталади) фаолияти самарадорлиги мониторингини олиб бориш учун ишлаб.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом изланувчилар фаолияти самарадорлиги мониторинги тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

олий ўқув юртидан кейинги таълим – жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга эҳтиёжини таъминлашга йўналтирилган узлуксиз таълим тури;

олий ўқув юртидан кейинги таълим институти – ОТМ ёки ИТМда таянч докторантура, докторантура ёки мустақил изланувчилик шаклларидаги олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга ошириш тизими;

таянч докторантура – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, ишлаб чиқаришдан ажралган

ҳолда мутахассисликни чуқур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида улар томонидан илмий изланишлар олиб бориш бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси изланувчилари учун ОТМ ва ИТМларида ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлар бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли;

докторантура – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда мутахассисликни чуқур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида улар томонидан илмий изланишлар олиб бориш бўйича фан доктори (DSc) илмий даражаси изланувчилари учун ОТМ ва ИТМларида ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлар бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли;

мустақил изланувчилик – ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисликни чуқур ўрганиш ва улар томонидан илмий изланишлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражалари изланувчилари учун ОТМ ва ИТМларда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли;

докторант – ОТМ ёки ИТМга таянч докторантура ёки докторантурага белгиланган тартибда қабул қилинган шахс;

мустақил изланувчи – ОТМ ёки ИТМга мустақил изланувчиликка белгиланган тартибда қабул қилинган шахс;

изланувчи – фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун докторлик диссертациясини тайёрлаётган шахс;

мониторинг – изланувчиларнинг илмий фаолиятини белгиланган мезонларга солиштириш билан натижаларини қайд этиш, баҳолаш ва прогнозлаш ҳамда доимий кузатув жараёни.

3. Докторант ва мустақил изланувчиларнинг илмий фаолиятини мониторингини электрон назорат қилиш мақсадида мақсадли мониторинг-ахборот тизими (кейинги ўринларда Тизим деб аталади) қўлланилади. Тизимнинг мақсади - изланувчининг ўз вақтида ҳимоя қилишини таъминлаш, уч йил давомида шахсий иш режанинг ойма-ой бажарилиши учун мониторинг олиб боришдан иборат. Тизим докторант ва

мустақил изланувчиларнинг маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда мониторинг олиб бориш учун мўлжалланган.

II. Мониторинг мақсади ва вазифаси

4. Мониторинг мақсади – илмий-тадқиқот ишларини талаб даражасида натижадорлигини ва ўз вақтида тугатишни таъминлашдан иборат.

5. Мониторинг вазифалари:

умумий базани яратиш;

шахсий иш режаларини маълумот базаси сифатида акс эттириш;

диссертацияни тайёрлаш жараёнини кузатиб бориш;

диссертация тайёрлаш босқичларини ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш бўйича чоралар кўриш;

илмий раҳбар ва маслаҳатчиларнинг фаолиятининг натижавийлигини кузатиб боришдан иборат.

III. Мониторингни ўтказиш тартиби

6. Мониторингни амалга ошириш учун махсус эксперт гуруҳлари ва ихтисосликлар бўйича табақалаштирилган эксперт гуруҳи таркибига фан тармоғига мувофиқ илмий даражага эга мутахассислар киритилади. Бундан ташқари олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларининг юқори малакали илмий ходимларни тайёрлаш жараёнини ташкилий бошқарувини амалга оширувчи бўлинма раҳбарлари ҳам киритилиши мумкин.

7. Илмий даражага эга, диссертация мавзуси бўйича илмий ишлари мажуд бўлган 2 та мутахассис (мутахассис бошқа ташкилотлардан таклиф қилиниши мумкин) ва докторант таҳсил олаётган кафедра мудири (бўлим бошлиғи), факультет декани ҳамда Илмий-тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи (докторантура учун масъуллар)дан иборат бўлган 5 кишилик Эксперт гуруҳи тузилади.

8. Эксперт гуруҳларининг фаолиятларига ва мониторинг натижаларига мониторингни ўтказиш учун тайинланган масъул ходим жавоб беради.

IV. Ҳисобот ҳужжатлари

9. Ҳар бир изланувчининг илмий фаолиятга оид қуйидаги ҳужжатлари бўлиши лозим:

изланувчи ҳақидаги маълумотлар (расм, таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчиликка кирганлиги тўғрисида буйруқнинг электрон варианты);

уч йиллик шахсий режанинг электрон варианты;
назарий-методологик дастурнинг электрон варианты, тасдиқланган электрон варианты;

илмий мақолалар ва тезисларнинг электрон варианты;
малакавий ва қўшимча имтиҳонларнинг электрон варианты;
диссертация иши тўғрисида кафедра кўчирмаларининг электрон варианты;

илмий семинарда иштироки тўғрисида маълумотларнинг электрон варианты (Фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун изланувчилар фаолиятида ўқишнинг биринчи йилида ОТМ ёки ИТМ семинарида диссертация мавзусига доир таҳлилий умумлаштирувчи қисқача маълумот натижалари бўйича (илмий раҳбар билан биргаликда) маъруза қилганлиги ҳамда ўқишнинг иккинчи йилида ОТМ ёки ИТМ илмий-ташкилий бўлинмаси (кафедра, лаборатория, бўлим, сектор) илмий семинарда диссертация ишининг дастлабки натижалари бўйича (мустақил) маъруза билан иштирок этиши инобатга олинган) этганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар.

10. Маълумотларни тақдим этиш учун масъул – изланувчилар ва унинг илмий раҳбарлар.

V. Изланувчилар фаолиятини баҳолаш мезонлари

11. Эксперт гуруҳи фалсафа доктори (PhD) илмий даражалари учун изланувчилар фаолияти самарадорлигининг мониторинги қуйидаги мезонлар бўйича амалга оширилади:

ўқишнинг биринчи йилида:

диссертация мавзуси бўйича тасдиқланган шахсий режанинг мавжудлиги ва унинг бажарилиши;

ихтисослик бўйича тасдиқланган назарий-методологик дастурнинг мавжудлиги ва унинг бажарилиши;

ОАК рўйхатида кўрсатилган тармоқ илмий журналларида диссертация мавзуси бўйича камида битта илмий мақоланинг чоп этилганлиги;

илмий конференцияда диссертация мавзуси бўйича маъруза билан иштирок этганлиги;

диссертация мавзуси бўйича таҳлилий умумлаштирувчи қисқача маълумотнинг мавжудлиги;

ОТМ ёки ИТМ семинарида диссертация мавзусига доир таҳлилий умумлаштирувчи қисқача маълумот натижалари бўйича (илмий раҳбар билан биргаликда) маъруза қилганлигини акс эттирувчи ҳужжатнинг нусхаси мавжудлиги.

Ўқишнинг иккинчи йилида:

ОАК рўйхатида кўрсатилган тармоқ илмий журналларида диссертация мавзуси бўйича ҳисобот даврида чоп этилган камида битта илмий мақоланинг мавжудлиги;

диссертация мавзуси бўйича ҳисобот даврида илмий конференция материалларида камида битта чоп этилган маъруза тезисининг мавжудлиги;

ОАК рўйхатида кўрсатилган хорижий журналда диссертация мавзуси бўйича камида битта чоп этилган илмий мақола мавжудлиги;

ОТМ ёки ИТМ илмий-ташкилий бўлинмаси (кафедра, лаборатория, бўлим, сектор) илмий семинарида диссертация ишининг дастлабки натижалари бўйича (мустақил) маъруза билан иштирок этиш;

диссертация мавзуси бўйича шахсий режасининг бажарилиши бўйича ҳисоботнинг нусхаси мавжудлиги.

Ўқишнинг учинчи йилида:

журналларда, шу жумладан хорижий журналларда сони ОАК талабларига мувофиқ чоп этилган илмий мақолалари мавжудлиги;

ОАК талабларига мувофиқ тайёрланган тугалланган диссертация иши, авторефератининг мавжудлиги;

ОТМ ёки ИТМ илмий-ташкилий бўлинмалари мажлисларида диссертация ва авторефератининг кўриб чиқилганлиги ва муҳокама қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси мавжудлиги.

12. Эксперт гуруҳи фан доктори (DSc) илмий даражалари учун изланувчилар фаолияти самарадорлигининг мониторинги қуйидаги мезонлар бўйича амалга оширилади:

Ўқишнинг биринчи йилида:

диссертация мавзуси бўйича шахсий режанинг мавжудлиги ва унинг бажарилиши;

диссертациянинг биринчи ва иккинчи боблари тайёрлиги;

диссертация мавзуси бўйича ОАК рўйхатида кўрсатилган журналларда камида учта илмий мақола чоп этилганлиги;

диссертация мавзуси бўйича республика ва халқаро илмий конференциялар материалларида камида битта маъруза тезиси чоп этилганлиги;

диссертация мавзуси бўйича илмий конференция ёки семинарда маъруза қилиш;

диссертация мавзуси бўйича таҳлилий шарҳ;

диссертация мавзуси бўйича таҳлилий шарҳ натижалари бўйича семинарда сўзга чиққанлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхасининг мавжудлиги.

Ўқишнинг иккинчи йилида:

диссертациянинг учинчи ва тўртинчи боблари тайёрлиги;

ОАК рўйхатида кўрсатилган журналларда диссертация мавзуси бўйича камида тўртта илмий мақола эълон қилинганлиги (жумладан биттаси хорижда);

диссертация мавзуси бўйича халқаро ва республика илмий конференциялар материалларида чоп этилган камида битта маъруза тезисининг мавжудлиги;

диссертация ишининг дастлабки натижалари бўйича семинар ўтказиш;
конференция ёки семинарда маъруза билан қатнашиш (камида бир марта);

диссертация мавзуси бўйича шахсий режанинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисобот нусхасининг мавжудлиги.

Ўқишнинг учинчи йилида:

диссертация мавзуси бўйича ОАК рўйхатида кўрсатилган журналларда камида учта илмий мақола эълон қилинганлиги;

диссертация натижалари бўйича (ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича) чоп этилган монографиянинг мавжудлиги;

ОАК талабларига мувофиқ тайёрланган тугалланган диссертация иши ва авторефератнинг мавжудлиги;

диссертация ёки авторефератни ОТМ ёки ИТМ илмий-ташкилий бўлинмаларида кўриб чиқилганлиги ва муҳокама этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси мавжудлиги.

13. Таянч докторант ёки докторантларнинг илмий фаолиятини натижадорлиги уларнинг шахсий режаларига ва мазкур низомнинг 11 ва 12-бандлари талабларига мувофиқ таҳлил қилинади.

14. Таянч докторант ёки докторантнинг шахсий режаси бўйича белгиланган вазифалар ҳамда мазкур низомнинг 11 ва 12-бандларидаги талаблар тўлиқ бажарилган бўлса, мониторинг натижалари ижобий деб ҳисобланади.

15. Эксперт гуруҳи таянч докторант ёки докторантларнинг илмий фаолиятини натижадорлиги уларнинг шахсий режаларига ва мазкур низомнинг 11 ва 12-бандлари талабларига мувофиқ таҳлили асосида шахсий режанинг бажарилиши тўғрисида ҳулоса тайёрлайди.

16. Шахсий режа бажарилмаганлиги аниқланган ҳолатларда унинг бажарилмаганлиги сабаби аниқ кўрсатилади.

17. Изланувчига бириктирилган факультет декани, изланувчи томонидан тайёрланган ҳисоботни факультетнинг Илмий-техникавий кенгашида ҳимоя қилинишини, ҳимоя қилиш санаси ва вақтини олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасасининг веб сайтининг махсус саҳифасида эълон қилади.

18. Ҳисобот муҳокамаси натижалари олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот институтининг Илмий кенгашига тақдим этилади.

19. Илмий кенгаш йиғилишда докторант (изланувчи)нинг ҳисоботи ва илмий раҳбарининг ҳисоботини эшитилади ва эксперт гуруҳининг хулосаларини ҳисобга олиб, докторантнинг ўқишни давом эттириши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарорини киритади.

20. Ҳисобот материаллари, Эксперт гуруҳи ва Илмий кенгашнинг хулосалари электрон шаклда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасига тақдим этилади.

21. Тадқиқотчи томонидан ҳисобот материаллари олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасаси сайтининг махсус саҳифасида онлайн режимда тақдим этилади.

22. Эксперт гуруҳи онлайн режимда ҳисобот материаллари билан танишади ва таҳлил қилади.

23. Ҳисобот материаллари ва хулосалар, олий таълим муассасасининг Илмий кенгаши қарори ёки илмий-тадқиқот муассасасининг Илмий кенгаши қарори муассаса веб сайтининг махсус саҳифасида эълон қилади.

24. Изланувчилар фаолиятини баҳолаш 1 ва 2-иловаларда келтирилган жадвалларга мувофиқ амалга оширилади. Жадваллардаги мезонлар талаблари бажарилган бўлса, тегишли мезонга (+) ишораси ёки мезонлар талаблари бажарилмаган бўлса, тегишли мезонга (-) ишораси билан белгиланади.

VI. Изланувчилар фаолияти мониторинги натижаларини кўриб

чиқиш

25. Ҳар бир йил чораги якунида (чоракдан кейинг ойнинг 5-санасигача) мониторинг натижалари Коллегиал орган томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Шахсий режаларини бажармаган изланувчиларга нисбатан тегишли қарорлар қабул қилинади.

26. Шахсий режаларини бажармаган докторантларнинг фаолияти алоида кўриб чиқилади ва илмий раҳбар ва тегишли кафедра мудирига

чоралар кўрилади ҳамда камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва Кенгаш томонидан тасдиқланади.

27. Докторантурадан мониторинг натижалари бўйича четлатилган ёки диссертациясини муддатида ҳимоя қилмаган шахслар диссертациясини тугатиш ва ҳимоя қилиш даврида мустақил изланувчи сифатида расмийлаштирилиши мумкин.

28. ОТМ ёки ИТМнинг ички тартиби ва қоидаларини бузганлиги учун ўқишдан четлатилади.

Талабгорларнинг якка тартибдаги режаси
бажарилишини хар чоракда мониторинг
қилиш тартиби тўғрисидаги низом

1-ИЛОВА

**Фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун изланувчилар фаолиятининг
самарадорлиги мониторинги мезонлари**

Тадқиқотчининг Ф.И.Ш.		
Мезонлар		Изоҳ
Ўқишнинг биринчи йилида		
1.	Диссертация мавзуси бўйича тасдиқланган шахсий режа нусхаси	
2.	Ихтисослик бўйича тасдиқланган назарий-методологик дастур нусхаси	
3.	ОАК рўйхатида кўрсатилган тармоқ илмий журналларида диссертация мавзуси бўйича чоп этилган илмий мақоланинг нусхаси (камида 1 та)	
4.	Диссертация мавзуси бўйича илмий конференциядаги маъруза (тезис) нусхаси	
5.	Диссертация мавзуси бўйича таҳлилий умумлаштирувчи қисқача маълумот нусхаси	
6.	ОТМ ёки ИТМ семинарида диссертация мавзусига доир таҳлилий умумлаштирувчи қисқача маълумот натижалари бўйича (илмий раҳбар билан биргаликда) маъруза қилганлигини акс эттирувчи ҳужжат нусхаси	
Ўқишнинг иккинчи йилида		
1.	Ҳисобот даврида ОАК рўйхатида кўрсатилган тармоқ илмий журналларида диссертация мавзуси бўйича чоп этилган илмий мақоланинг нусхаси (камида 1 та)	
2.	Ҳисобот даврида диссертация мавзуси бўйича илмий конференция материалларида чоп этилган маъруза тезисининг нусхаси (камида 1 та)	
3.	ОАК рўйхатида кўрсатилган хорижий журналда диссертация мавзуси бўйича камида битта чоп этилган илмий мақоланинг нусхаси (камида 1 та)	
4.	ОТМ ёки ИТМ илмий-ташкилий бўлинмаси (кафедра, лаборатория, бўлим, сектор) илмий семинарида диссертация ишининг дастлабки натижалари бўйича (мустақил) маъруза қилганлигини акс эттирувчи ҳужжатнинг нусхаси	
5.	Диссертация мавзуси бўйича шахсий режасининг бажарилиши бўйича ҳисоботнинг нусхаси	
Ўқишнинг учинчи йилида		
1.	Журналларда, шу жумладан хорижий журналларда сони ОАК талабларига мувофиқ чоп этилган илмий мақолаларининг нусхалари	
2.	ОАК талабларига мувофиқ тайёрланган тугалланган диссертация иши, авторефератининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси	
3.	ОТМ ёки ИТМ илмий-ташкилий бўлинмалари мажлисларида диссертация ва авторефератининг кўриб чиқилганлиги ва муҳокама қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси	

Талабгорларнинг якка тартибдаги режаси
бажарилишини ҳар чоракда мониторинг
қилиш тартиби тўғрисидаги низом
2-ИЛОВА

**Фан доктори (DSc) илмий даражаси учуй изланувчилар фаолиятининг
самарадорлиги мониторинги мезонлари**

Тадқиқотчининг Ф.И.Ш.		
Мезонлар		Изоҳ
Ўқишнинг биринчи йилида		
1.	Диссертация мавзуси бўйича тасдиқланган шахсий режа нусхаси	
2.	Диссертациянинг биринчи ва иккинчи боблари pdf форматда электрон нусхаси (кўчириш ва чоп этиш ҳимояланган)	
3.	Диссертация мавзуси бўйича ОАК рўйхатида кўрсатилган журналларда илмий мақолаларнинг нусхаси (камида 3 та)	
4.	Диссертация мавзуси бўйича республика ва халқаро илмий конференциялар материалларида маъруза тезиси нусхаси (камида 1 та)	
5.	Диссертация мавзуси бўйича илмий конференция ёки семинарда маъруза қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси	
6.	Диссертация мавзуси бўйича таҳлилий шарҳи pdf форматда электрон нусхаси (кўчириш ва чоп этиш ҳимояланган)	
7.	Диссертация мавзуси бўйича таҳлилий шарҳ натижалари бўйича семинарда сўзга чиққанлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси	
Ўқишнинг иккинчи йилида		
1.	Диссертациянинг учинчи ва тўртинчи боблари pdf форматда электрон нусхаси (кўчириш ва чоп этиш ҳимояланган)	
2.	Ҳисобот даврида диссертация мавзуси бўйича илмий конференция материалларида чоп этилган маъруза тезисининг нусхаси (камида 1 та)	
3.	ОАК рўйхатида кўрсатилган хорижий журналда диссертация мавзуси бўйича камида битта чоп этилган илмий мақоланинг нусхаси (камида 1 та)	
4.	ОТМ ёки ИТМ илмий-ташкилий бўлинмаси (кафедра, лаборатория, бўлим, сектор) илмий семинарида диссертация ишининг дастлабки натижалари бўйича (мустақил) маъруза қилганлигини акс эттирувчи ҳужжатнинг нусхаси	
5.	Диссертация мавзуси бўйича шахсий режасининг бажарилиши бўйича ҳисоботнинг нусхаси	
Ўқишнинг учинчи йилида		
1.	Журналларда, шу жумладан хорижий журналларда сони ОАК талабларига мувофиқ чоп этилган илмий мақолаларининг нусхалари	
2.	ОАК талабларига мувофиқ тайёрланган тугалланган диссертация иши, авторефератининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси	
3.	ОТМ ёки ИТМ илмий-ташкилий бўлинмалари мажлисларида диссертация ва авторефератининг кўриб чиқилганлиги ва муҳокама қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси	